Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
29 апрель
ЧОРШАНБА
№ 33 (12773)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Тадбиркорлик

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ УЧУН ЦЕХ

Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул қишлоғи, "Бунёдкор" маҳалласида Собир Қўзибоев ўғли Валижон билан кичик ишлаб чиқариш цехини очиб, қурилиш ашёси – гипсдан кўзни қувонтирувчи гулдон ва ҳайкалчаларни асосан қўл меҳнати билан тайёрлашмоқда. Қувонарлиси, улар маҳалладошлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 12 кишини ишли қилишди.

Тайёр маҳсулотлар республикамизнинг барча вилоятларига сотувга чиқарилмоқда.

Валижон Қўзибоев ёш бўлишига қарамай, тумандаги энг тажрибали тадбиркорлардан бирига айланди. У маҳаллада ташкил этиладиган барча тадбир ва танловларга беминнат ҳомийлик кўрсатиб келаётир.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ.
Муаллиф олган сурат.



Фахр

ФАРОВОН ҲАЁТ ШУКРОНАСИ

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига тўла мувофиқ ҳолда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимиз ўзининг муносиб йўлбошчисини танлаб олди. Айни пайтда Президентимиз номига келаётган кўплаб давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари ҳамда юртдошларимизнинг самимий тилаклари битилган қутловлар, табрикномалар билан танишган киши халқимиз танлаган йўл нечоғли тўғри бўлгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни нақадар юксалиб бораётганини юракдан ҳис этади.

Фахр билан айтиш жоизки, бу муҳим сиёсий жараён Президентимизнинг яқин тарихдаги энг таҳликали ва беқарор вазиятда, одамларнинг эртанги куни, тинчлиги ва хавфсизлиги, озодлиги ва эркинлиги мавҳум бўлган бир вақтда юрт раҳбари, миллат етакчиси сифатида иш бошлаб, халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олгани, унинг беқиёс меҳр ва муҳаббатига сазовор эканининг ёркин ифодаси бўлди. Ўз навбатида, сайлов натижаларини шу муқаддас юртда истиқомат қилаётган ҳар бир замондошимизнинг тинч, осуда, фаровон ва бахтли ҳаёт учун шукронаси деб ҳам баҳолаш мумкин.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юртимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилаётир. Бугун жаҳондаги 200 га яқин мамлакатлардаги юзлаб миллат ва халқлар ичида халқимиз ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги, давлатимизнинг куч-қудрати кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётгани кўплаб халқаро ташкилотлар, хорижий экспертлар томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик шароитида яшаши, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва ўз иқтидорини тўла намоён этиши, ижтимоий ҳимоя қилиниши, бир сўз билан айтганда, тенглар ичра тенг бўлиб, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароитлар яратилган. Бунинг қонунчилик асослари тўла мустаҳкамланган.

Мустақиллик неъматлари бугун ҳар бир оилада, ҳар бир инсон ҳаётида рўйирост бўй кўрсатмоқда. Узоққа бормай, бунга ўз ҳаётимдан бир шингил мисол келтирмоқчиман.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ғазалкент шаҳридаги марказий маданият саройида Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, прокуратура, касб-ҳунар коллежлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ярмаркада қатор корхона ва ташкилотлар ўзларидаги бўш иш ўринларини тақдим этдилар.

Умида ИСАЕВА.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида Оҳангарон туманидаги "Саховат" интернат уйида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг вилоят бўлими, туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида маънавий-маърифий, хайрия тадбири ташкил этилди.

Интернат уйида истиқомат қилувчи отахон ва онахонлар учун туман маданият ва спорт ишлари бўлими бадиий жамоаси маданий-кўнгилочар дастур намойиш этди. Кексаларга кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур ашёлар тарқатилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Райҳон САЛАЕВА.

КЕКСАЛАР КЎРИКДАН ЎТИШДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Бўка тумани Бўстон қишлоғида "Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!" лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигидаги тадбирда қишлоқдаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ногирон ва пенсионерлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтишди.

Ушбу акция давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар жамоат қабулхонаси орқали фуқароларни қабул қилишди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Семинар

ЮРТ ТИНЧЛИГИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Вилоят маънавият ва маърифат марказида "Ёшларни соғлом эътиқод, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларни бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда республика Маънавият тарғибот маркази, дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Тасвирий ойина" уюшмаси вилоят бўлимлари, ИИБ ХООБ ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, қурол билан бўлса-да, давлат бошқарувини қўлга олишга уринаётган бир гуруҳ диний террорчи ташкилотлар бутун дунё тинчлигига раҳна солмоқда. Уларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида минглаб бегуноҳ одамлар ҳалок бўлмоқда. Биргина Сурия ва Ирокда давом этаётган қонли тўқнашувлар, портлашлар натижасида 10 мингдан ортиқ бола ҳаётдан кўз юмди.

Албатта, қўшни мамлакатлардаги ислом давлати қуриш каби пуч ва мантиқсиз ҳаракатлар юртдошларимизни жиддий ташвишга солмоқда. Айниқса, диний ақидапарастлар интернет орқали 90 фоиз тарғибот-ташвиқот ишларини юритаётганини, мамлакатимиз ёшларининг аксарияти бугун интернет билан фаол ишлаётганини ҳисобга олиб, аҳоли, айниқса, ёшларда бузғунчи ғояларга қарши иммунитет уйғотиш мақсадида вилоятда ўтган йили кўплаб тадбир, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди.

Тадбир сўнгида мутасаддилар иштирокчиларнинг барча саволларига атрофлича жавоб беришди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Қобилжон ҒОФУРОВ (суратлар),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.





Учрашув

ВАТАНПАРВАРЛИК – ЭЛ-ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Адлия вазирлиги ташаббуси билан республикада ўтказилаётган "Ватанпарварлик юрт тараққиёти учун хизмат қилишдир" лойиҳаси доирасидаги маърифий учрашувларнинг навбатдагиси вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтди.

Адлия бошқармаси ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида аҳолининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда республика тарғибот гуруҳи аъзолари, таълим муассасалари, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасига масъул вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай меҳнат шароитлари яратиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, миллий қадрият ва маданий меросимизни асраб-авайлаш учун барча зарур шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига замонавий технологияларни олиб кириш натижасида жаҳон молиявий инқирози энг юқори чўққига чиққан сўнгги ўн йилда ҳам мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан зиёд бўлди. Ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизимининг яратилиши жаҳон андозаларига мос билим олиш имконини берди.

Тадбир сўнгида тарғибот гуруҳи аъзолари мутахассислар учун "Маҳорат дарслари"ни ўтказишди.

Шундай учрашув Тошкент Давлат аграр университетида ҳам бўлиб ўтди.

Авазбек ИСРОИЛОВ.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.



ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Халқимизда минг йиллардан бери қадрлаб, эъзозлаб, амал қилиб келинаётган қадриятлар кўп. Шулардан бири умумхалқ ҳашаридир. "Ҳашар элга ярашар" деб бежизга айтилмайди. Айнан баҳор фаслида бу одат ўзгача маъно касб этади. Чунки ҳашар инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни, ҳамжиҳатликни, айниқса, ёшлар қалбида маҳаллага, бинобарин, юртга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайди. Агар биз атроф-муҳитни тоза тутсак, кўчатлар экиб, боғ-роғлар яратсак, кўча ва хонадонларимизни, маҳалламизни ободонлаштирсак, аввало, ўзимизнинг кўнглимиз яйрайди, соғлигимизга фойда бўлади, ризқ-рўзимизга барака кирали.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ТУМАН ЮЗИДАГИ ҲУСНБУЗАР»

Газетамизнинг шу йил 18 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Паркент деҳқон бозорининг нон растасидаги тартибсизликлар ҳақида фикр билдирилганди. 25 апрелда ушбу мақолага вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Ғ. Тожибоевнинг жавоби эълон қилинди. Қўлимизда эса, "Паркент деҳқон бозори" МЧЖ бошқарувининг мазкур мақола муҳокамасига бағишлаб, 22 апрелда ўтказган мажлис баённомаси.

Баённомада таъкидланишича, МЧЖ директори Аҳрор Саидмуродов бошқарган мажлисда вилоят ва туман ДСЭНМ вакиллари, профилактика нозири, нон савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳамда бозор ишчи-ходимлари газетада кўрсатилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича ўз таклифларини айтишган. Билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, мажлис аҳли қабул қилган қарорни айнан келтирамиз:

"1. "Тошкент ҳақиқати" рўзномасида чоп этилган "Туман юзидаги ҳуснбузар" мақоласи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бозор нон растасидаги мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш чораларини кўриш Э. Алимбоев ва М. Мирёқубовга топширилсин.

3. Бозор ҳудудида барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи фуқаролар доимий тиббий кўрикдан ўтиб, махсус кийимбош билан, белгиланган расталарда савдо қилишини тартибга солиш ва қатъий назоратга олиш М. Мирёқубов ва Ю. Холимов зиммаларига юклатилсин.

4. Хизмат вазифасига масъулиятсиз муносабатда бўлгани учун катта назоратчи М. Мирёқубов ва назоратчи Ю. Холимовга ҳайфсан берилсин. Ишига эътиборсизлик билан қарагани, тозалик ишларини вақтида бажармагани учун фаррош Ҳ. Каримов вазифасидан озод қилинсин.

5. Номаълум уй шароитида тайёрланган, сифати ва хавфсизлиги кафолатланмаган озиқ-овқат ва консерва маҳсулотлари савдосига чек қўйиш ҳамда бу борадаги ишларни доимий назоратга олиш бозор маъмурияти ва ветеринария-санитария экспресс лабораторияси мудири Р. Пайзихўжаевга юклатилсин".

Қизим сенга айтаман...

БОЗОРГА ШАМСИЗ БОРМАНГ!

Яқин орада Оҳангарон марказий деҳқон бозорига кирганмисиз? Атроф тоза, расталар тартибли, озода. Назорат тарозилари ишлаб турибди, нарх-наво ҳам нисбатан паст, мева-сабзавотлар арзон ва сифатли. Аммо...

Бозорнинг, тахминан 800 метрча нарида, аҳоли гавжум яшайдиган кўпқаватли уйлар ёнида ташкил этилган филиали эса антисанитария ҳолатида. Аввало, бозорга кирган киши беш дақиқача ҳеч нарса кўрмай, каловланиб қолади. Сабаби – ичкарига ёруғлик тушмайди, кўз қоронғуликка ўргангандан кейингина, қаерда нима сотилаётганини англаш мумкин. Бирор ерда назорат тарозиси тугул, шарпаси ҳам кўринмайди. Бозорча учун масъул шахсни қидириб, овора бўлмаган маъқул экан. Ҳар қалай мен уни икки соат дараклаб, топа олмадим. Бу ерда ҳамма тадбиркор-сотувчи экан, савол берувчи кўп, лекин савол берувчи йўқ. Наҳотки, давлат санитария-эпидемиология назорати туман маркази, туман ҳокимлигидагилар бозорчадаги аҳволдан бехабар бўлишса? Ёки бу манзарани ҳар кун кўраверіб, кўзлари ўрганиб қолганмикин?

(Давоми 2-бетда).

Фахр

ФАРОВОН ҲАЁТ ШУКРОНАСИ

Биз беш фарзандмиз. Камина оиланинг кенжаси. Тақдир тақозоси билан 1982 йилда отам автоҳалокат туфайли вафот этди. Ўшанда оиламиз тўнғичи – катта акам 8 ёшда, мен эса ўн ойлик чақалоқ бўлган эканман. Ҳаёт биз учун анчайин мураккаб кечгани аниқ, лекин бугун ҳаммамиздан ҳам кўпроқ онамга қийин бўлганини дил-дилимдан ҳис этаман.

Шундай кезларда баъзан ўйланиб қоламан. Агар мана шу бағрикенг юртда туғилмаганимизда оиламиз бошига тушган бу синовлар бизни не кўйларга соларди? Ҳозир қай аҳволда кун кечираётган бўлардик? Ҳаётда ўз ўрнимизни топиш у ёқда турсин, шунчаки қорин тўйдириш ғамида кимларнингдир қўлида тобе бўлиб юрармидик?

Шукрлар бўлсинки, юртимизда яратилган имкониятлар, ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун қилинаётган ғамхўрликлар, Президентимизнинг: "Ҳар бир ўғил-қиз менинг фарзандим", деб ёш авлодга кўрсатаётган оталарча меҳрибонлиги туфайли биз – отадан эрта жудо бўлган беш фарзанд аро йўлда қолиб кетмадик. Ҳаммамиз ўқиб, олий маълумотли бўлдик.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзим Тошкент Давлат техника университетини менежмент йўналиши бўйича тамомладим. Университетда, "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси бўлдим. Мазкур ҳаракатнинг Тошкент вилояти кенгашига раислик қилдим.

Зарнигорнинг кейинги гапи ҳаммамизни ўйлантириб қўйди:

– Бувижон, бундай қўрқинчли воқеалар қаерда бўлаяпти?

– Болажоним, бу урушлар бизлардан узоқда, бошқа мамлакатларда бўлаётибди, – дея таскин бердилар онам.

Албатта, дунёда ҳар бир давлатнинг етакчиси бор. Табиийки, улар ҳам ўз имкониятлари, салоҳиятлари доирасида мамлакати, халқи ҳаётини обод қилишга интилади. Лекин дунёнинг ҳеч бир мамлакатида миллат етакчиси соғлом она, соғлом бола масалаларига бизнинг юртимиздагидек эътибор қаратмаса керак. Юрт фарзандлари соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун болалар спорти равнақи давлат сиёсати даражасига кўтарилган, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти юксалиб бориши учун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим сифатли ва узлуксиз, энг муҳими, бепул йўлга қўйилган мамлакат яна бормикин? Қайси давлат касб-ҳунар эгаллагандан сўнг муносиб турмуш тарзи ва даромадга эга бўлиши учун фарзандларини кафолатланган иш ўринлари билан таъминлашни ўз зиммасига олган? Ёки дунёнинг яна қайси бир ерида оила қурган ёшларга ҳеч қандай тўлов ва кафолатларсиз 20 йил муддатга имтиёзли шартларда ипотека кредитлари асосида уй-жой берилаяпти? Яна қайси давлат кексаларни ҳаётимиз файзи ва фаришташи дея, шу қадар эъзозлаб, уларга Давлат дастурлари даражасида ғамхўрлик кўрсатаяпти?

Шунинг учун ҳам бутун халқимиз тилидан шукроналик тушмайди. Ёшу қари шу муқаддас заминда туғилиб ўсганидан, яшаётганидан чексиз фахрланади. Халқимиз ўз Президентини меҳр-муҳаббат билан ардоқлаши, яхши кўришининг боиси ҳам мана шунда.

Азамат КАМОЛОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи ўринбосари.

Қадриятларимиз

ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ



Ҳадиси шарифларда поклик ва озодалик, деҳқончилик ва кўчат ўтқазиш тарғиб қилинади, оқар сувни исроф қилиш катта гуноҳ экани таъкидланади. Айниқса, боғ яратиш, экинлардан ризқ-рўз ундиришга алоҳида эътибор берилади. Ҳақиқатан ҳам киши бир дарахт ўтқазса ёки бирор экин экса, унинг ҳосилидан одамлар ва ҳайвонот дунёси баҳраманд бўлса, бундан улуғ савоб ва хайрли иш йўқ.

Шу ўринда бир ибратли ҳикоятни келтириб ўтмоқчимиз.

Бир шаҳар амири навкарлари билан сафарга отланганда, далада кўчат ўтқазаётган қари чолни кўриб, таажжубланибди:

– Отахон! Ўзингиз кексайиб қолган бўлсангиз, бу дарахт мева бергунча яшайсизми ёки йўқми, билмайсизку, – дебди.

Мўйсафид:

– Мевасини кейинги авлод еса, соясидан баҳраманд бўлса, шунинг савоби ҳам етади менга, – деб жавоб берибди.

Шунда амир завқланиб, унга бир ҳамён олтин ҳадя этибди. Чол эса:

– Мана, кўрдингизми, экаётган кўчатим ҳозирдан мева бера бошлади, – дебди...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қабристонларда ҳашар ва ободонлаштириш ишлари ўтказилиши ҳақида тўхталиш жоиз. Ота-боболаримиз қабристонларни озода сақлаш, ўтганларни ҳурмат билан ёдга олишни виждон амри деб ҳисоблашган. Нафақат ўз яқинлари, балки бошқа қабрларга ҳам ҳурмат билан қарашган. Халқимизда: "Юртнинг ободлигини кўрмоқчи бўлсанг бозорини кўр, халқини билмоқчи бўлсанг мозорини кўр", деган гап бор.

Биз хайрия тадбирларида бу ҳақда имкон қадар тушунтиришлар бераяпмиз. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳашарлар уюштириб, дарахт ва гул кўчатлари экилмоқда. Ҳудудимиздаги қабристонларда ўтганлар руҳига дуои фотиҳалар ўқилиб, қабрлар ён-атрофлари тозалаб турилибди. Масалан, Обиз ота қабристонига зиёратга келганлар дуои фотиҳа қилишлари учун дарвозахона қуриб, битказилди. Бошқа қабристонларда ҳам шундай шароитлар яратилди. Бу ишлар маҳалла фаоллари, кўчабошилари ташаббуси билан жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлигида ҳашар орқали бажарилди.

"Обод" сўзининг маъноси жуда кенг. Бу сўз нафақат кўркам ва чиройли, балки тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файзу барака дегани ҳамдир. Ҳар ким ўз уйи, маҳалласи, демакки, юртини гўзал ва обод қилса, ҳаётимиз мазмунли ва файзли бўлади. Тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлган Ватанимизда қанча кўп хайрли ишларни амалга оширсак, маҳалла ва кўчаларимизни ораста сақласак, қабристонларга эътибор қаратиб, оламдан ўтганларнинг руҳларини шод этиш учун ҳашарлар уюштирсак, ёшларимиз ҳам бу анъаналарга содиқ бўлиб камол топади.

Хулоса шуки, юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, озодалик ва поклик билан боғлиқ ишларни кенг қамровда амалга оширишимиз лозим. Зеро, муқаддас китобларимизда ҳам "Эзгулик йўлида ҳамкорлик қилингиз" дея таъкидланган. Ҳашар эса ана шу эзгуликнинг ёрқин тимсолидир.

Тоҳирхон ТЎЛҚИНХОНОВ,
Пискент тумани "Келовчи" жоме масжиди имом-хатиби.

Жасорат, бурч, матонат

ҚАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

Бекобод шаҳридаги Ёшлар марказига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ташриф буюрдилар. Саҳнадаги юмшоқ ўриндиқлардан эса Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари жой олдилар.

Сўзга чиққанлар кексаларга яратилаётган шароитлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. 25 уруш ва меҳнат фахрийларига республика Президенти Фармонига кўра "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" юбилей медали ва бир марталик пул мукофотлари тантанали суръатда топширилди. Шу билан бирга ҳар бир фахрийга ҳомийлар томонидан телевизор ва қўл телефонлари совға қилинди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – дейди шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Назиржон Бекназаров. – Байрамга тайёргарлик дастурига мувофиқ тармоқ касаба уюшма қўмиталари томонидан ҳар бир уруш қатнашчисига 300 минг сўмдан, "Ўзметкомбинат" ОАЖ томонидан эса 500 минг сўмдан пул мукофотлари ва биттадан қўл соати ҳадя этиш мўлжалланган. Ушбу совғалар Хотира ва қадрлаш куни эгаларига топширилади.

Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бадиий жамоасининг концерт дастури маросимга ўзгача руҳ бағишлади.

Байрамолди тадбирида вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров иштирок этди.

Каримқул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили



Отахонлар гурунгида ҳикмат кўп, ибрат кўп.

Ўрта Чирчиқ туманида Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши ва унинг туман бўлими ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда халқаро Қизил Ярим ой жамияти ташкил этилганининг 90 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

УЛАР АЛОҲИДА ҲУРМАТГА МУНОСИБ

Уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда ёши улуғларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш бу йил янада кенг тус олгани, унда Қизил Ярим ой жамияти ташкилотлари ҳам фаол қатнашаётгани таъкидланди.

– Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқдик, – дейди Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими раиси Каромат Расулова. – Фахрийлар, ёлғиз кексалар ва ўзгалар ёрдамига муҳтож қарияларга патронаж ҳамширалари бириктирилиб, уларнинг аҳволи, саломатлиги алоҳида назоратга олинган. Бундан ташқари, нуронийларга дори-дармон ва зарур тиббиёт воситалари етказиб берилмоқда.

Тадбирга таклиф этилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига ташкилотнинг эсдалик совғалари топширилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ИНСОН ЁДИ МУҚАДДАС

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан "Олтин мерос" халқаро жамғармаси вилоят бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Оҳангарон тумани Убайд қишлоғида "Хотира абадий, инсон ёди муқаддас" тадбири ўтказилди.



Вилоят ва туман депутатлари, улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, партия фаоллари ва қишлоқ ёшлари иштирокида Убайдулла ота қабристонида уруш қурбонлари хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

– Уруш йилларида картошка пўчоғини қайнатиб еган кунларимиз бўлди, – дейди улуғ Ватан уруши қарнашчиси Султон ота Тўлаев. – Бугунги дориламон кунларимизга минг бор шукроналик келтирамиз. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин.

Тадбир сўнгида уруш ва меҳнат фахрийлари, қишлоқ ёшлари ёдгорлик пойига гулдасталар қўйишди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Ораста қизлар



Одатда остонаси покиза, обод хонадонга нисбатан "қизи бор уй" деган ибора қўлланилади. Ахир қизи бор уйнинг "файзи бўлак" бўлади-да. Улар тарбиясига алоҳида эътибор берилиши ҳам бежиз эмас. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнининг турфа кўринишлари – одам савдоси, оммавий маданиятнинг тажовузкор таъсиридан қизларимизни асраш, уларни миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш шу куннинг долзарб масаласидир.

МУОМАЛА, ЛИБОС ВА БИЗ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан мактаб, лицей ва коллежларда ташкил этилган "Ораста қизлар" тўгараклари аъзолари танловида 78 минг 296 ўқувчи қизлар иштирок этди. Танловнинг вилоят босқичи Зангиота тумани озиқ-овқат касб-ҳунар коллежида "Муомала, либос ва биз" мавзуида ўтказилди. Қизлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари", "Муомала, либос ва биз" тақдимоти намойиши, "Бизнинг ўқув муассасамиздаги талаба ва ўқувчи қизлар либоси" каби шартлар бўйича беллашдилар.

Танлов якунига кўра Қибрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ туманлари ораста қизлари 1-, 2-, 3-ўринларга муносиб кўрилди. Аслида барча иштирокчиларнинг чиқишлари эътироф этилиб, уларга "Энг маънавиятли", "Энг маданиятли", "Энг хушмуомала", "Энг билимдон", "Энг андишали" каби таърифлар берилди.

– Қизлар тарбияси борасида ҳали қилинажак ишларимиз кўп, – дейди вилоят хокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Лекин "Ораста қизлар" тўгараклари фаолияти ҳақида сўз борганда шуни айтиш мумкинки, бугунги танлов барча саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаётганлигидан далолат бермоқда. Галдаги вазифа миллатимиз фахри, дея ифтихор этадиган ёшларимиз, қизларимиз кўпайиши учун астойдил ҳаракат қилиш, бунинг учун аввало ўзимиз, яъни ота-она, устоз ва мураббийлар ибрат бўлишимизни талаб этмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қизим сенга айтаман...

БОЗОРГА ШАМСИЗ БОРМАНГ!

Бир мавзуда қайта-қайта чайналаверишни хуш кўрмайман. Яқиндагина Паркент деҳқон бозори ҳақидаги мақолам газетада босилиб чиқди. Яна бозор ҳақида ёзаманми? Ахир, вилоят нашридаги ҳар бир танқидий фикр "қизим сенга айтаман, келиним сен эшит" қабилида айтилади-ку! Газетамиздаги чиқишдан кейин, вилоят шаҳар ва туманларидаги ўзини ҳурмат қилган мутасадди раҳбарлар "бизнинг бозорларда аҳвол қандай экан", деб бир сесканиб қўйиши керак эди, чамамда. Шу андишада туман ҳокимлигига кириб, суратга олинган манзараларни кўрсатиб, фикрларимни айтаман-у, ҳеч нарса ёзмайман деган тўхтамга келдим.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ташкилий-назорат гуруҳидагилар "бозор ҳокимнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари тизимига қарайди, ўшаларга мурожаат қилинг", дейишди. У ердаги йигитлар ҳам гапимни эшитгилари келмади, овқатланиш вақти бўлиб қолганмиш. "Бозорчадаги аҳвол ҳақида бир оғиз айтаману кетаман", деган эдим, афтлари буришиб, ўдағайлашди: "текшир-текширлар ҳам жонга тегди. Ёзмоқчимисиз? Ёзаверинг!"

Туман ҳокимлигида ишловчилардан бундай муомалани кутмагандим. Лол қолдим. Бир нафас каловланиб турдим-у, "ёзиш бўлса, ёзиш-да", деган ўй билан бинони тарк этдим. Ҳар қалай, газетада чиққан мақолага жиддийроқ муносабатда бўлишар... Буни энди таҳририятга келадиган расмий жавобдан билиб оларсиз.

Даврон АҲМАД.



Таълим муассасаларида

МАКТАБГА КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАМАЛАРИ



Бугунги кунда ёш авлод тарбиясига ҳар жиҳатдан катта эътибор қаратилиб, мактаб ва коллежлар моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Паркент туманида ҳам кейинги йилларда ҳомийлар томонидан илм-фан даргоҳларига компьютер жамламалари ажратиш, совға қилиш анъанага айланиб бормоқда. Бунинг тарбиявий аҳамияти шундаки, ўғил-қизлар замонавий компьютерларни чуқур ўрганиб, етук мутахассислар бўлиб етишаяптилар.

"OZLITINEFTGAZ" АЖ республикамиздаги йирик марказлардан бўлиб, унинг фаолияти Ўрта Осиёда нефть ва газ қазиб чиқаришнинг ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқ. "OZLITINEFTGAZ" АЖ илмий-тадқиқот институти бошқаруви раиси Улуғбек Сайидов бошчилигидаги меҳнат жамоаси туманнинг энг олис Невич қишлоғидаги 20-мактабга 10 дона замонавий компьютер жамламаларини совға қилди.

– Мен мазкур мактабни 1975 йилда тугаллаганман, – дейди институт бўлим бошлиғи Баҳром Ҳусанов. – У пайтлари мактабларнинг моддий-техник базаси анча ночор эди. Бугунги ёшларимизга ҳавас қилса арзийди. Уларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Институтимиз раҳбарияти Невич қишлоғидаги мактабга компьютер жамламалари совға қилди. Бу ҳали бошланиши. Биз имконият даражасида илм-фан даргоҳларини компьютер жамламалари билан таъминлашни давом эттириш ниятидамиз.

Тўйчи ДЎСМАТОВ.

Одам савдоси

БУ ИЛЛАТДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Дунё миқёсидаги муаммолардан бири одам савдосидир. Бу иллат халқаро майдонда муносиб обрў-эътиборга эга бўлиб бораётган мустақил Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айниқса, энди ўсиб келаётган, турли таъсирларга осон берилувчан ёшларни бундай офатдан асраш, ҳимоя қилишда мактаб, коллеж ўқитувчиларининг, умуман халқ таълими ходимларининг ўрни ва роли алоҳида.



Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол ёшлар тарбияси ишониб топширилган устоз ва мураббийлар ўқувчиларнинг ҳар бир қадами ва хатти-ҳаракатидан огоҳ бўлиши, уларни тўғри йўлга бошлаши, ёт ғоялардан, бегоналар таъсиридан муҳофаза қилиши керак.

Вилоят педагогика коллежи жамоаси турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб, бўлғуси ёш мутахассисларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини бойитмоқда, иллатлардан ҳоли бўлишга ундамоқда. Бугунги куннинг долзарб мавзуига бағишланган яна бир маънавий-маърифий тадбир "Одам савдоси – олам ғавғоси" деб номланди. Унда туман ҳокимлиги вакиллари, ички ишлар бўлими ходимлари иштирок этди. Уларнинг қизиқарли маърузаларидан сўнг коллеж ўқувчилари миллий-маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни акс эттирувчи адабий-бадиий лавҳалар намойиш этишди. "Сароб бўлган орзулар" номли саҳна кўринишини, айниқса, ўқувчилар қизиқиб томоша қилишди.

Одам савдосидан жабрланаётганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалар эканлиги барчани ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаши лозим. Бу борада "Одам савдосига қарши кураш" тўғрисидаги Қонун ва республика Президентининг ушбу Қонун ижросини таъминлашга оид "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ёшлар тарбиясига дахлдор барча мутахассислар учун муҳим қўлланмадир.

Х. МИРАНОВА,
Т. МАМЕДОВА,
вилоят педагогика коллежи ўқитувчилари.

Тиббий кўрик

ДАВОЛАНИШГА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Вилоят шаҳар ва туманларида тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари жалб қилиниб, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, қариялар ва ногиронларни терапевт, уролог, невропатолог, офтальмолог, ЛОР ҳамда хирурглардан иборат малакали мутахассислар иштирокида тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шулардан 138 нафари уруш ногиронлари ва қатнашчилари, 1140 нафари меҳнат фронти фахрийлари. Умуман кўрикдан ўтган катта ёшдаги аҳолидан 3041 нафарига амбулатория, 823 нафарига стационар шароитда даволанишга, шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига 576 та, республика муассасаларига 182 та, санаторий-курортларга 315 та тавсия берилди.

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали бўлим мудири.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Оҳангарон тумани ҳудудидаги қадимий ёдгорликлар ҳақида кўп ва хўб ёзилган. Аммо бу мавзудаги ҳикояларнинг охири бўлмайди. Негаки, ушбу ғаройиб минтақа кўплаб ёдгорликлар, муқаддас қадамжою ривоятларни бағрида сақлаб келади.

ОНА ЗАМИНДАГИ ИЗЛАР

Жумладан, Қорахитой қишлоғи ҳудудида тарихий объектлар жуда кўп. Булар – қадимий аҳоли истиқомат жойлари, ғўртепалар. Таниқли археологлар М. Массон, Г. Парфёнов, Ю. Буряков алоҳида қайд этишган бу кўҳна ёдгорликлар ондасонда бир ўрганилган. Уларнинг кўпларида ҳанузгача қазилма ишлари олиб борилмаган. Шу боис ҳам улар янада сирли туюлади.

Биз бугун Қорахитой қишлоғи чеккасидаги муқаддас қадамжолардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Қорахитой қишлоғи тугаб, Тут қишлоғи бошланадиган жойда, шундоққина бекат ёнида чоғроққина мармар майдонча бўлиб, ўртасида тўрт томондан ўралган кичкина тош бор. Бу Ҳазрат Али (р.а.)га тегишли муқаддас жой. Ушбу тарихий жойни Оҳангарон туманида жуда яхши кўришади ва қадрлашади.

...Қачонлардир, жуда қадимда бу ерларга қандайдир янги дин ҳақидаги илк дараклар етиб келди. Мураккаб даврлар эди, Ҳақнинг маънодор сўзларини оддий халққа етказиш Аллоҳнинг элчилари учун осон эмасди. Шу боис уруш-жанжал бошланиб, кўплаб одамлар қурбон бўлди. Ва шунда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг куёви Ҳазрат Али (р.а.) Дулдул лақабли ажойиб отида ҳозир бўлди. У жуда кучли ва гўзал эди. Отидан сакраб тушганда, ердаги тошда унинг оёқлари изи қолди. "Бундан кейин уруш бўлмайди. Қон тўкилмайди. Ва барча миллат ва элатлар тинч-тотув яшашади", деди Ҳазрат Али (р.а.) ва кўздан ғойиб бўлди.

Халойиқ ўзига келди. Уруш тўхтади. Одамлар тушунишдики, Ер юзида қурол билан эмас, қалб билангина тинчлик ўрнатиш мумкин. Ва бир-бирларини кечириб, ярашишди. Ҳазрат Али (р.а.)нинг оёқ изи муҳрланиб қолган тошни ёдгорлик ва огоҳлантириб турувчи восита сифатида асраб қўйишди.

Бу жойларда яшовчи аҳоли шу бир бўлак ерни авайлаб-асради, янада обод ва кўркам қилди, табаррук зотнинг тошдаги изи атрофини ўраб қўйди.

Юқоридаги гаплар рост ёки ёлғонлиги хусусида ҳеч нарса демоқчи эмасмиз. Қолаверса, муҳими бу эмас. Қувонарлиси шундаки, ушбу ривоят охир-оқибат тинчлик ва меҳнат рамзига айланди.

Муқаддас қадамжолар гўё осмондаги юлдузлар каби барчага баравар нур сочади. Юлдузларни кўриб турган ва юлдузлар йўлидан юрадиган киши ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмаган.

Серқуёш ўлкамизда минглаб юлдузлар йўлларимизни нурафшон қилиб турибди. Булар – қайта тикланган муқаддас қадамжолар, қайта тирилиб, ўтмишимиздан бугунимизга қадам қўйган буюк аждодларимиз. Ушбу юлдузлар ёғдуси ҳаётнинг ўзи каби мангу барҳаётдир.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

Олов – тилсиз ёв

ТАБИИЙ ГАЗ ЎЗБОШИМЧАЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Маълумки, ёнғинларнинг аксарияти газ ускуналарини нотўғри ишлатиш оқибатида содир бўлаяпти.

Газ плитаси устида кир қуритиш ёки овқатни назоратсиз қолдириш, болаларнинг плита бурагичларини ўйнашига йўл қўйиш, газ ускуналари ўрнини ўзбошимчалик билан ўзгартириш каби хатолар ёнғин чиқишига олиб келиши шубҳасиз.

Табиий газ аҳоли кундалик турмушида жуда зарур. Аммо ундан фойдаланишнинг қонун-қоидалари бор. Унга амал қилинсагина ҳаётимиз бехавотир, тинч кечади. Зеро, оловдан фойдаланилганда ҳамиша ҳушёр бўлиш талаб этилади. Газ манбаини туман газ таъминоти ходимлари назоратидан ўтказиш, газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Мухтасар айтганда, ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири табиий газдан оқилона фойдаланишдир.

Элдор ИНОЯТИЛЛАЕВ,
ИИБ ЁХБ инспектори.

Эълонлар

ДУК "Сувсоз" қошидаги "MUSAFFO OBI HAYOT" МЧЖ Тошкент вилоятининг Қибрай ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2015 йил 15 майдан бошлаб:

Аҳоли учун:
Ичимлик суви -1 м. куб – 207,00 сўм
Оқава хизмати -1 м. куб – 106,00 сўм

Юридик корхоналар учун:
Ичимлик суви -1 м. куб – 615,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати -1 м. куб – 212,00 сўм (+20% ҚҚС)

Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун:
Ичимлик суви -1 м. куб – 207,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати -1 м. куб – 106,00 сўм (+20% ҚҚС)

Бюджет корхоналар учун:
Ичимлик суви -1 м. куб – 207,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати -1 м. куб – 106,00 сўм (+20 % ҚҚС)

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 3.06.2014 йилдаги 1-24/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 30 075 974 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 156-А уй, Халқаро улгуржи савдо ярмаркаси ҳудуди, 8-блокда жойлашган умумий майдони 17,0 кв.м.дан иборат "19-сонли савдо дўконининг Х қисми" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йилнинг 2 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Тақрорий аукцион савдосига 1) Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 07.08.2014 йилдаги №1-251/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 1 190 424 632 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 1389 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е блокларидан иборат бўлган "Ишлаб чиқариш биноси"; 2) Бошланғич нархи - 2 620 103 936 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 4048 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т блокларидан иборат бўлган "Ишлаб чиқариш ва омборхона биноси"; 3) Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг 15.10.2014 йилдаги №1-2883/14-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган: бошланғич нархи - 247 500 000 сўм; Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нуриддинова кўчаси, 7-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 299,0 кв.м.дан иборат "Дўкон биноси" қўйилмоқда. Тақрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 15 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

БИЛДИРИШ

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади:

I. "Биржа" газетасининг 2015 йил 8 январдаги 2 (1869)-сони ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 10 январдаги 2 (12742)-сонида хабарномаси чоп этилиб, очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Чиноз тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Чиноз тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган "21-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари", Чиноз тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, Улуғбек кўчаси ҳудудида жойлашган "9-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари", Чиноз тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ ҳудудида жойлашган "16-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари", Чиноз тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Чиноз тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган "47-сонли умумтаълим мактабининг бино-иншоотлари", Чиноз тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Чиноз тумани, Ислоҳот ҚФЙ ҳудудида жойлашган "27-сонли умумтаълим мактабининг бино-иншоотлари" бўйича аукцион савдоси хабарномада кўрсатилган кунларда бўлиб ўтмаган тақдирда 2015 йил 7, 21 август, 4 сентябрь кунлари қўшимча такрорий савдо кунлари бўлиб ўтишини билдирамиз.

II. "Биржа" газетасининг 2014 йил 30 октябрдаги 124 (1839)-сони ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2014 йил 1 ноябрдаги 88 (12724)-сонида хабарномаси чоп этилиб, очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимлигига қарашли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май ҚФЙ ҳудудида жойлашган омборхона бино-иншоотлари, Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимлигига қарашли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ Академшаҳарча кўчасида жойлашган ошхона биноси, Тошкент вилояти ҳокимлиги балансидаги, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Бордонкўл ҚФЙ ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар мажмуаси бўйича аукцион савдоси хабарномада кўрсатилган кунларда бўлиб ўтмаган тақдирда 2015 йил 26 май, 9, 23 июнь кунлари қўшимча такрорий савдо кунлари бўлиб ўтишини билдирамиз.

III. "Биржа" газетасининг 2015 йил 21 апрелдаги 46 (1913)-сони ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 22 апрелдаги 31 (12771)-сонида хабарномаси чоп этилиб, очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Бўстонлиқ туманида жойлашган "Малика" дам олиш маскани, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги балансидаги, Бўстонлиқ тумани, Бўстонлиқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Ўзэлектромонтаж" ОАЖ дам олиш маскани, Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекцияси тасарруфидаги, Янгийўл тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган солиқ инспекциясининг фойдаланишда бўлмаган маъмурий биноси бўйича аукцион савдоси хабарномада кўрсатилган кунларда бўлиб ўтмаган тақдирда 2015 йил 9, 23 ноябрь, 7 декабрь кунлари қўшимча такрорий савдо кунлари бўлиб ўтишини билдирамиз.

IV. "Биржа" газетасининг 2015 йил 7 апрелдаги 40 (1907)-сони ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 8 апрелдаги 27 (12767)-сонида хабарномаси чоп этилиб, очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Туркистон маданият уйи бино-иншоотлари", Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Зангиота тумани, Назарбек қўрғони, "Ғиштчилар" маҳалласида жойлашган "ФАП бино-иншоотлари" бўйича аукцион савдоси хабарномада кўрсатилган кунларда бўлиб ўтмаган тақдирда 2015 йил 10, 24 ноябрь, 9 декабрь кунлари қўшимча такрорий савдо кунлари бўлиб ўтишини билдирамиз.

V. "Биржа" газетасининг 2015 йил 28 мартдаги 36 (1903)-сони ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 28 мартдаги 24 (12764)-сонида хабарномаси чоп этилиб, очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Янгийўл тумани ҳокимлигига қарашли, Янгийўл тумани, Шўралисой ҚФЙ, Ҳақиқат кўчасида жойлашган "Собиқ 22-сонли умумтаълим мактаби бино-иншоотлари", Янгийўл тумани ҳокимлигига қарашли, Янгийўл тумани, "Тонг" маҳалласида жойлашган "Собиқ 17-сонли боғча бино-иншоотлари", Янгийўл тумани ҳокимлиги қарашли, Янгийўл тумани, Нуриддинова кўчаси, 38-уйда жойлашган "Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлари", Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги қарашли, Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, О.Шарофутдинов кўчасида жойлашган "5-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари", Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги қарашли, Ўрта Чирчиқ тумани, Пахтакор ҚФЙ "Бешбой" маҳалласида жойлашган "17-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари", "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси тасарруфидаги, Бўстонлиқ тумани, Чимён ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 2,5 га бўлган "Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар", "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси тасарруфидаги, Бўстонлиқ тумани, Чимён ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 10 га бўлган "Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар" бўйича аукцион савдоси хабарномада кўрсатилган кунларда бўлиб ўтмаган тақдирда 2015 йил 27 октябрь ва 10, 24 ноябрь кунлари қўшимча такрорий савдо кунлари бўлиб ўтишини билдирамиз.

VI. "Биржа" газетасининг 2015 йил 6 январдаги 1 (1868)-сони ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 7 январдаги 1 (12741)-сонида хабарномаси чоп этилиб, очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Оҳангарон тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Оҳангарон тумани, Айрисой қўрғонида жойлашган "Орзу" болалар дам олиш маскани, Оҳангарон тумани ҳокимлиги тасарруфида бўлган, Оҳангарон тумани, Карахтай ҚФЙда жойлашган "Алоҳида турган Қорахитой радиоузелининг бино-иншоотлари", Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, Завод кўчасида жойлашган "15-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари", Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги, Ўрта Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудудида жойлашган "19-сонли мактаб бино-иншоотлари", Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги, Ўрта Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудудида жойлашган "57-сонли мактаб бино-иншоотлари", Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги, Ўрта Чирчиқ тумани, Йўнғичқоли ҚФЙ, "Йўнғичқоли" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Собиқ 61-сонли умумтаълим мактаб бино-иншоотлари", Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" ДК тасарруфидаги, Чирчиқ шаҳар, В.Ҳайдаров кўчаси, 20-А уйда жойлашган "Собиқ лицей бино-иншоотлари", Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" ДК тасарруфидаги, Чирчиқ шаҳар, В.Ҳайдаров кўчасида жойлашган "Собиқ 5-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари", Чирчиқ шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги, Чирчиқ шаҳар, Менделеев кўчаси, 8-уйда жойлашган "Нотурар-жой бино-иншоотлари" бўйича аукцион савдоси хабарномада кўрсатилган кунларда бўлиб ўтмаган тақдирда 2015 йил 14, 28 август ва 11 сентябрь кунлари қўшимча такрорий савдо кунлари бўлиб ўтишини билдирамиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 22 апрелдаги 15-1342-сонли хати.

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари тақроран қўйилади:

1. Бекобод тумани ҳокимлиги балансидаги Бекобод тумани, Далварзин фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган алохида турган "Дельверзин" радиоузелининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- ер участкасининг умумий майдони 0,248 га;
- бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони 346,06;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 155 464 000 сўм.
Балансда сақловчи: Бекобод тумани ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: маъмурий бошқарув.

2. Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигига қарашли, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, "Қизилсой" маҳалласида жойлашган "Нотураржой" биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- бинонинг қурилиш ости майдони 824,17 кв.м.;
- умумий фойдаланиш майдони 0,1986 га;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 591 360 000 сўм.
Балансда сақловчи: Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: маъмурий бошқарув.

3. Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигига қарашли, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, "Қизилсой" маҳалласи ҳудудида жойлашган собиқ "Ғунча" болалар боғчаси бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- бинонинг қурилиш ости майдони 580,21 кв.м.;
- умумий фойдаланиш майдони 0,47 га;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 400 912 000 сўм.
Балансда сақловчи: Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: маъмурий бошқарув.

4. Қибрай тумани ҳокимлиги балансидаги Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ ҳудудида жойлашган қишки клуб биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- ер участкасининг умумий майдони 0,1192 га;
- қурилиш остидаги участка майдони 620,19 кв.м.;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 531 569 000 сўм.
Балансда сақловчи: Қибрай тумани ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: маъмурий бошқарув.

5. "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси Жанубий кон бошқармаси тасарруфидаги Ангрен шаҳар, Красногорск қўрғони ҳудудида жойлашган "Универсам" дўкони биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- ер участкасининг умумий майдони 0,365 га;
- бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони 1395,73;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 771 036 000 сўм.
Балансда сақловчи: "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси Жанубий кон бошқармаси.
Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.
Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 28 май, 11, 25 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиқмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сагбон филиали, х/р: 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш бildиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва бildиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

Маълумот учун телефон: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига эндилик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Кўзгудаги ўзимиз

ҚИЛМИШИДАН ҚИЗАРМАДИ

Бозор... Ҳаммамиз кунда-кунора рўзғор эҳтиёжларимиз учун қатнайдиган жой. Айниқса, сўнгги йилларда бозор энг серқатнов масканга айланди. Шукроналар бўлсинки, бозорда истаган нарсамизни харид қилиш имконияти бор. Айниқса, деҳқон бозорларида ҳаёт "қайнайди". Навбатма-навбат пишиб етилаётган мева-сабзавотлар бозорларимиз расталарини тўлдириб, дастурхонларимиз кўркига кўрк қўшади. Буларнинг барчасидан кўнгли тўқ одамлар бамайлихотир борадиган жойини ҳам, қиладиган тадбирини ҳам зумда режалаштириб, "пулинг бўлса, чангалда шўрва", дея ишини битириб кетаётганидан хурсанд.

Тўғрида, бозорга борсангиз омон бўлгур ишбилармонлар айтганларингизни қўлингизга тутқазишади. Харидор ҳам мамнун, сотувчи ҳам. Лекин...

Айрим уддабурон тадбиркорларнинг тарозидан уриши, олган нарсасига икки баравар нарх қўйиб сотиши, кўзингизни шамғалат қилиб, раста остидан эскириб қолганидан бир-икки дона қўшиб юбориши, гўштнинг қиймасига ҳар нарсаларни аралаштириб, лаҳм гўшт нархида сотиши ҳам бор гап. Шундай бўлса-да, инсоф сари барака, дея юзхотирчилик қилиб кетаверамиз.



Аммо, орамизда журъатли, ўз ҳақини талаб қила оладиганлар ҳам бор. Ёши олтмишларга яқинлашиб қолган онахон помидор, бодринг каби сабзавотлар сотаётган опани ҳамманинг олдида мулзам қилди.

– Мен тарозидан уриб, болаларимга ҳаром луқма едирмайман, опажон. Яхши нарса қиммат бўлади-да, – дея лабилабига тегмаётган сотувчига жавобан, онахон эринмай помидорларни саралаб, елим халтага солди-да, деди:

– Нархини талашмагандан кейин танлаб олишга ҳаққим бордир?

– Вой, бемалол, мен молимнинг ўтмай қолишидан қўрқмайман, қолаверса тарозим тўғри.

– Негадир ўлчовига келмагандай, синглим. Узоқ йиллардан бери бозор-ўчарни ўзим қиламан, қўлим тарозига айланиб бўлган, оповси, – деди онахон ва сумкасидан ўзининг қўл тарозисини чиқариб, маҳсулотни ўлчади. Хийла кам чиқди шекилли, сотувчига маъноли қаради.

– Нима демоқчисиз ўзи? – ўдағайлади сотувчи. – Бу алмисоқдан қолган тарозингиз бузуқдир, балки? Менинг тарозимга ишонмасангиз, ана, ёнимдагиларникига қўйиб кўринг.

Аёл лом-мим демай, сал нарида савдо қилаётган кишининг тарозисига халтасини қўйди. Ҳақиқатан ҳам маҳсулот кам чиқди... Сотувчи атрофдагилар ўзига тикилиб турганини гўё кўрмагандек, қизариб-бўзармади ҳам, аксинча пинак бузмай, помидорларни жойига тахлай бошлади.

"Отанг бозор, онанг бозор", дейишади. Аммо юқоридаги ҳолатларга дуч келганингда, нима қилишни билмай қоларкансан, киши. Бундай пайтда аллома Мотурудийнинг: "Хорлик истасанг хиёнатчи бўл", деган сўзлари ёдга тушади. Ахир ишбилармонлик бировнинг ҳақига хиёнат қилиб, манфаат кўриш, дегани эмас-ку! Эгри дарахтнинг сояси ҳам эгри бўлади, дейишади. Қиссадан ҳиссани ўзингиз чиқаринг. Ҳар бир ҳаракатимиз билан атрофдагиларга, фарзандларимизга намуна бўлишимиз кераклигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Хулкар ЎРОЛОВА.

Веломарафон

ҒОЛИБЛАР ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган "Касаба-тур" веломарафони оммалашиб бормоқда.

– Ўтган йилги мусобақаларда 50 велопойга ишқибози қатнашган эди, – дейди марафоннинг Қибрай тумани босқичи бош ҳаками Исроил Эргашев. – Бу йил икки юздан ортиқ 15-50 ёшли велоҳаваскорлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Қувонарлиси шуки, уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар.

Беллашув якунларига кўра, энг яхши натижа кўрсатган Вячеслав Ригалов ғолиб бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар касаба уюшмалари вакиллари Валерий Гуськов ҳамда Анатолий Шегайга насиб этди. Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақалар ҳам қизғин кечиб, тумандаги 47-мактабгача тарбия муассасаси хизматчиси Муҳайё Топилова биринчи, 49-умумтаълим мактаби вакили Наргиза Мақсудова иккинчи, 38-умумтаълим мактаби ходими Дилдора Ваҳобова учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Энди улар "Касаба-тур"нинг вилоят босқичида туман шарафини ҳимоя қилишади.

Умида ХИДОЯТОВА.

От спорти

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧАВАНДОЗЛАРИ БАҲСИ

Тошкент вилоятида от спорти бўйича Жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси I саралаш босқичи бошланди.



Халқаро от спорти федерацияси (FEI), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз от спорти федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада эллик нафарга яқин спортчи ғолиблик учун баҳслашмоқда.

Мусобақа олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан, Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида от спорти ҳам мамлакатимизда жадал ривожланаётгани таъкидланди. Нуфузли мусобақаларни халқаро талабларга мувофиқ ташкил этиш, от спортининг миллий ва замонавий турларини уйғун ривожлантириш, жойларда замонавий мактаблар фаолиятини янада кучайтириш бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизда от спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби, Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларидаги спорт мактаблари, от спорти клубларида ёш чавандозлар мазкур спорт турини ўрганмоқда. Мунтазам ташкил этилаётган чемпионатлар уларнинг тажриба-маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бўстонлиқ туманидаги "Аллюр" от спорти клубида ўтказилаётган мусобақанинг шахсий беллашувларида чавандозлар конкур – тўсиқлардан от сакратиш йўналиши бўйича баҳслашмоқда. Мусобақа доирасида анъанавий "Миллатлар кубоги" жамоавий баҳслари ҳам ўтказилади.

Мусобақанинг дастлабки куни чавандозлар 130 сантиметр баландликдан от сакратиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Тажрибали спортчимиз Иброҳим Йўлдошев "Бек" лақабли тулпорида 58,69 сония натижа қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Ғайрат Назаров "Солист" лақабли отида 60,84 сония натижа билан иккинчи ўринни эгаллади.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.

Фестиваль

КЎРГАЗМАЛАРДА ЖЎШҚИН ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар зали ҳамда унинг атрофидаги кўча ва майдонларда, Тошкент фотосуратлар уйида, Халқаро маданият карвонсаройида, К. Беҳзод боғ-музейида, Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида, Ўзбекистон Давлат санъат музейида, Ёш томошабинлар театрида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда анъанавий "Тасвирий санъат фестивали" бўлиб ўтди.

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб, қатор ташкилот ва ўқув муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда таниқли рассомлар, халқ ҳунармандлари ва усталари, профессор-ўқитувчилар, ўқув юртларининг иқтидорли талабалари, ёш рассомлар ижодий ишлари билан қатнашдилар. Фестиваль кунлари япониялик фоторассом Шота Нагасе ва латвиялик рассом Валдис Бушсларнинг шахсий кўргазмалари ҳам бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида концертлар, таниқли ижодкорлар иштирокида маҳорат дарслари, миллий либослар ҳамда 5 кун давомида телемониторларда Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланган фильмлар намойиш қилинди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон рассомларининг тарихий хотира акс этган рангтасвир асарлари ҳам намойиш қилинди. Улар орасида ижодкорларни мафтун этган Тошкент вилояти табиат манзаралари, ҳаётий лавҳалар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Ушбу санъат байрами доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида рангтасвир, графика, кино ва театр рассомлари, миниатюра, хаттотлик, атроф-муҳит дизайни ва фотошўъбалар аъзолари кўргазмаси ташкил этилди. Экспозициядан "Зангиота" (Б. Исамуҳамедов), "Баҳор. Сижжак қишлоғи" (М. Эргашев), "Газалкентда" (Д. Мамедова), "Оқтош", "Қуёшли Оқтош", "Чорвоқ", "Чимён", "Кечки Чимён" (М. Фозилий) каби асарлар ҳам ўрин олган.

Ҳафталик якунида фаол иштирокчиларга "Тасвирий санъат фестивали"нинг медаллари, соврин ва дипломлари топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Суддаги можаролар

ВАСИЯТДАГИ ИШКАЛЛИК САБАБ

Раҳим ота билан Салима ая (исм-шарифлар ўзгартирилган) тирик бўлганларида фарзандлари икки йўл орасида қолишларига йўл қўймасдилар балки.

Улар бахтли оила қуриб, салкам 40 йил меҳр-оқибатда умргузаронлик қилдилар. Бир ўғил, бир қизни оқ ювиб, оқ тарадилар. Мамажоновлар ҳавас қилгулик, ўрнак бўлгулик оила сифатида маҳалла-кўй ҳурматини қозонганди.

Ҳамма машмаша уларнинг вафотидан кейин бошланди. Оғир жудолик, оналарининг ўлими Дилрабо ва Азаматнинг қаддини букиб қўйди. Ўзларининг ғам-ташвишлари етмагандай, мерос қолган уй можароси чиқди.

Маълум бўлишича, опа-ука униб ўсган уй Каромат Икромовага васият қилинган экан. Бу аёл Салима аянинг биринчи турмушидан қизи. Каромат ўзидаги нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан уйни Камол Эрназаровга сотган, бироқ Сафоевлар оиласини яшашга киритган, бунга Азаматдан розилик ҳам олмаган.

Шундан сўнг, Азамат Мамажонов Сафоевларни кўчиришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 219-моддаси талабига кўра, умумий мулкдаги умумий мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, улушни мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бу можароли уй-жой масаласи ўз ечимини топмагач, иш Олий судгача етди.

Суд С. Мамажонова томонидан К. Икромовага берилган васиятномани 1/2 қисми ҳақиқий эмас деб топди. К. Икромова васиятнома бўйича низоли уй-жойнинг 4/6 қисмига нисбатан мерос ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди.

Суд ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 360, 361-моддаларига асосланиб ажрим қилди.

Мазкур иш юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ҳал қилув қарори ва вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинадиган бўлди. Даъвогар А. Мамажоновнинг жавобгарлар Сафоевлар оиласига нисбатан даъво талаби қаноатлантирилди.

Жавобгарлар уйдан мажбурий тартибда кўчириладиган бўлди.

Муҳайё АШУРОВА, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.



ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ ИККИ МИНГДАН ОШДИ

ТАСС хитойлик қутқарувчиларнинг сўзларига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, Непалда юз берган зилзила оқибатида 2200 киши қурбон бўлди, 7770 киши жабр кўрди.

"Ҳозир биринчи галдаги вазифа вазиятга зудлик билан тўғри баҳо бериб, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чораларини кўришдир". Хитой марказий телевидениеси Непалга жўнаб кетган қутқарувчилар отряди вакилларининг бирининг юқоридаги фикрини келтирди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирча қутқарув ишларини асосан Непал ҳарбий хизматчилари олиб боришмоқда.

7,9 магнитуда куч билан ер силкиниши оқибатида Химолай тоғи ҳудудида кўчкилар юз берди. Оқибатда мамлакат пойтахти Катманду шаҳрида кўплаб бинолар вайрон бўлди.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудида ҳам ер силкинишлари яққол сезилди.

ФУТБОЛ МАЙДОНИДА МУШТЛАШУВ

Сербия футбол чемпионати учрашувларидан бирида юз берган тартибсизликлар натижасида қирққа яқин полициячи жабрлангани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

"Црвена Звезда" ва "Партизан" клублари ашаддий ишқибозлари, шунингдек, маҳаллий полициячилар ўртасида бошланган муштлашувлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг 35 вакили жароҳатланди. Йигирмага яқин ашаддий ишқибоз ҳибсга олинди.

Олдинроқ тарқатилган хабарда айтилишича, юқоридаги икки футбол жамоаси ўртасидаги учрашув ишқибозларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари сабабли кечиктирилганди.

КУЧЛИ ЁМҒИР ТОШҚИНГА ОЛИБ КЕЛДИ

Покистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудида кучли ёғин сабабли юз берган сув тошқини оқибатида 37 киши қурбон бўлди, 200 дан зиёд киши жароҳат олди.

Reuters агентлигининг маҳаллий ҳокимият маълумотига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, кучли шамол дарахт ҳамда электр симёғочларни қулатди, уйларни вайрон қилди. Хайбер-Пахтунхва вилояти ахборот вазири Муштак Ғанининг гапига қараганда, барча маҳаллий шифохоналарда фавқулодда вазият эълон қилинди. Кучли ёғин ва бўрон сабабли Пешавар шаҳридаги аэропортда барча рейслар кечиктирилди.

Кучли ёмғир кўплаб инфратузилмаларга зарар етказди. Табиий офат хуруж қилган жойларга қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш учун ҳарбий қисмлар юборилди.

2010 йилда юз берган кучли сув тошқини пайтида 180 мингдан зиёд киши ҳалок бўлиб, 10 миллион покистонлик бошпанасиз қолган эди.

ЯНГИ ПАРРАНДА ГРИППИ АНИҚЛАНДИ

Стивен Морс раҳбарлигида америкалик бир гуруҳ олимлар тадқиқот ўтказиб, парранда гриппининг учта янги турини аниқлашди.

Ушбу хасталикка чалинганлар борлиги ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Бироқ, илмий ходимлар касалланган паррандаларни боқаётган фуқаролар уни юқтириб олишлари мумкинлигини таъкидламоқдалар.

АҚШ илмий ходимлари бир қатор ёввойи ҳамда уй паррандалари янги гриппни юқтирганларини аниқладилар. Экспертларнинг тахмин қилишича, уларнинг эгалари ҳам касалликка чалинишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо, бу ҳақда ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Парранда гриппи вируси ҳайвонлардан одамларга ўтиши эҳтимоли жуда паст. Шунга қарамай, Айова штати маъмурияти 5,3 миллион товуқни йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

МАНГО ОТИБ, УЙИЛИ БЎЛДИ

Венесуэла президенти Николас Мадуро бошига манго меваси билан зарба берган аёлни янги уй билан тақдирлади.

CNN агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Марлени Оливо исмли аёл янги транспорт тармоғини очишга бағишланган тантанали маросимда автобус ҳайдаб бораётган президентга қарата манго мевасини улоқтирган. Ойна очиқ бўлгани учун манго президентнинг бошига теккан. Ўша куни кечқурун президент бўлиб ўтган ушбу воқеа ҳақида давлат телевидениеси орқали гапириб берди ва манго мевасини намойиш қилди. Маълум бўлишича, 54 ёшли аёл ўша манго мевасига ўзининг телефон рақамини ёзиб, президентга улоқтирган экан. Шу воқеадан сўнг президент ёрдамчилари аёл билан боғланишди. У шахсий уй масаласида ёрдамга муҳтож экан. "Мен президентга мангони ғаразли мақсадда отганим йўқ. Уй масаласида қийналиб кетганим учун кейинги пайтда ўзимни ёмон ҳис қилаётган эдим. Худдас, шахсий уйимга эга бўлиш менинг орзуим эди", деди аёл.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 17 апрелдаги 15-сонли Баённомаси қарори билан:

I. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан:

1.1 "Газель-Раф" масъулияти чекланган жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000384 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2015 йил 18 апрелдан бошлаб тикланди.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "TANHO-A'LO NUR-IKKINCHI" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати "TANHO A'LO NUR" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати таркибига бирлашишини маълум қилади ҳамда "TANHO A'LO NUR" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати "TANHO-A'LO NUR-IKKINCHI" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "BORLIQ KOMMUNAL" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати "BAHOR KOMMUNALCHI" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати таркибига бирлашишини маълум қилади ҳамда "BAHOR KOMMUNALCHI" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати "BORLIQ KOMMUNAL" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ООО "LAV-PLAST" (ИНН 301466409), зарегистрированное в Мирзо-Улугбекском районе г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 147 166 000 сум до 8 500 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по телефону: (+99890) 351-27-40.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳри ТСРЎИ томонидан 05.08.2013 йилда № 003308-0003792 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 462543562) Исмаилова Нигора Каримжоновнага тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳри ТСРЎИ томонидан 04.02.2014 йилда № 003573-0004102 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 447949364) Каримова Гулчехра Дийкановнага тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 28.01.2015 йилда № 007417-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KRAXMAL PRODUKT" МЧЖга тегишли бўлган № 007417 рақамли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор Валиева Алина Артуровнага тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"INTELLEKT BILIM TALAB" (ИНН 302877924) нодавлат таълим муассасасига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан № 000740-09 рақами билан рўйхатга олинган "MEZON-BARAKA" (ИНН 205627547) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан № 007893-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RASULOV QURILISH" МЧЖ Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан № 00420707 реестр рақами билан рўйхатга олинган "YANGI DAVR ASRI" МЧЖ таркибига бирлашишини маълум қилади.

"NUROBOD PARRANDA" МЧЖнинг устав жамғармаси 841 938 446 сўмдан 4 800 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный диплом В № 121597, выданный в 2013 году Ташкент Давлат шарқшунослик институти на имя Юлдашева Илхома Обобахромовича, считать недействительным.

СП ООО "GROUNDBIZNES MAKING" (ИНН 205969786), зарегистрированное в Сергелийском районе г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 311 183,88 долларов США до 218 571,77 долларов США. Телефон: (+99890) 991-00-96.

ООО "POMIDOR ENTERTAINMENT" сообщает о преобразовании в ЧП "POMIDOR ENTERTAINMENT". ЧП "POMIDOR ENTERTAINMENT" является правопреемником по всем правам и обязательствам ООО "POMIDOR ENTERTAINMENT". Телефон: 232-24-79.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2771. Адади 14117. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50.